XALQ DEPUTATLARI ZARAFSHON SHAHAR KENGASHI
QAROR

210300, Zarafshon sh., Marvarid ko‘chasi 1

2022 - yil 23 - sentabr VI-52-121-5-78-K/22 Zarafshon shahar hokimligi

Зарафшон шаҳрида жамоат тартибини сақлаш, фуқаролар хавфсизлигини ва автотранспорт воситаларининг хавфсиз ҳаракатини таъминлаш, тирбандликларни юзага келтирувчи ҳолатларнинг олдини олиш ҳамда қўшимча равишда йўл белгиларини ўрнатиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикасининг “Автомобил йўллари тўғрисида”ги Қонуннинг 7-, 20-моддалари Ўзбекистон Республикасининг 2013 йил 10 апрелдаги “Йўл ҳаракати хавфсизлиги тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги ЎРҚ-348-сон Қонуни ижроси юзасидан шаҳарда жамоат тартибини сақлаш, фуқаролар хавфсизлигини ва автотранспорт воситаларининг хавфсиз ҳаракатини таъминлаш, тирбандликларни юзага келтирувчи ҳолатларни олдини олиш ҳамда қўшимча равишда йўл белгиларини ўрнатиш юзасидан билдирилган фикр-мулоҳазалар ва таклифлар ҳамда шаҳар ички ишлар бўлимининг 2022 йил 21 июлдаги 15/34.64-сонли хатини инобатга олиб, халқ депутатлари шаҳар Кенгаши

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Шаҳарда жамоат тартибини сақлаш, фуқаролар хавфсизлигини ва автотранспорт воситаларининг хавфсиз ҳаракатини таъминлаш, тирбандликларни юзага келтирувчи ҳолатларни олдини олиш ҳамда қўшимча равишда йўл белгиларини ўрнатиш тўғрисида шаҳар ички ишлар бўлими бошлиғи Э.Яхёевнинг ахбороти ҳамда халқ депутатлари шаҳар Кенгаши депутатлари томонидан билдирилган фикр, мулоҳаза ва тақдим этилган таклифлар маъқуллансин.

2. Шаҳар ИИБ ЙХХБ (И.Ахмедов), Навоий вилояти ҳокимлиги махсус эксплуатация монтаж бўлими (Ғ.Аҳмедов) билан ҳамкорликда:

бозор ва гаражлар жамияти оралиғидаги йўлда тирбандликни бартараф этиш ва йўл транспорт ходисаларининг олдини олиш мақсадида йўлнинг ҳар иккала томонидан кириш жойларига яъни йўлнинг гаражлар жамияти томонига 3.27 “Тўхташ тақиқланади” йўл белгиси ва унинг остига 7.2.4 “таъсир йўналишлари” қўшимча ахборот белгисини ўрнатиш;

йўлнинг бозор томонига 3.28 “Тўхтаб туриш тақиқланади” йўл белгиси ва унинг остига “таъсир йўналишлари” қўшимча ахборот белгисини ўрнатиш;

йўлнинг ҳар иккала томонидан кириш жойига 3.4 “Юк автомобилларининг ҳаракатланиши тақиқланади” йўл белгиси ва унинг остига 7.5.4 “амал қилиш вақти” қўшимча ахборот белгисини ўрнатиш ҳамда вақтини 06:00 дан 18:00 га қадар этиб белгилаш;

ушбу йўлнинг 4R-59г автомобил йўли томондан кириш жойига 5.5 “бир томонлама ҳаракатли йўл” йўл белгисини ўрнатиш;

гаражлар жамиятига кириш жойи рўпарасидан 3.1 “кириш тақиқланади” йўл белгилари ўрнатиш чораларини кўрсин.

3. Шаҳар ҳокимлиги ахборот хизмати ҳамда “Олтин водий” газетаси таҳририятига:

Юқорида қайд этилган ҳудудларда йўл белгилари ўрнатилганлиги юзасидан маълумотни оммавий ахборот воситаларида кенг ёритиш тавсия этилсин.

4. Мазкур қарор бажарилишини назорат қилиш шаҳар ҳокими ўринбосари (Х.Орипов) ҳамда халқ депутатлари шаҳар Кенгашининг Саноат, транспорт, қурилиш, коммунал хўжалиги масалалари ва аҳолига хизмат кўрсатиш бўйича доимий комиссияси (Р.Гофуров) зиммасига юклатилсин.

Раислик қилувчи **У.Очилов**